

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ  
№ 206 (1468)  
18  
ОКТАБРЬ  
ЯКШАНБА  
1959 ЙИЛ

БАҲОСИ  
20 ТИВИН

Ана шу кунларда ҳар бир колхозчи, ҳар бир совхоз ишчиси, қишлоқ хўжалигининг ҳар бир мутахассиси, пахта тераётган ҳар бир шаҳарлик меҳнатнаш ва студент пахта учун курашдаги бир ғайратига инки-уч ғайрат қўшиб ишласинлар, кундуз куннинг ёруғидан тўла фойдалансинлар! Ана шу умумхалқ ишига ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшсин!

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

## Сифатли, бежирим ва чиройли товарларни кўнлаб ишлаб чиқарайлик

Шонли етти йиллик планининг биринчи — 1959 йили ажойиб тарихий воқеаларга бой, серлазмун йил бўлди. Совет ҳукумати-нинг раҳбари Никита Сергеевич Хрушчевнинг АҚШга қилган сафари, совет космик ракетасининг Ойга бориб етгани, Ленин номидаги дунёда биринчи атом музериининг дегизга чиққанлиги Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинчлик сисэатини, давлатимизнинг куч-қудратини, фан ва техникамининг бениҳоя катта ютуқларини, изодкор совет халқининг ўзиди ва маънавий бойлиги исисэиз эсанлигини бутун дунёга яна бир марта намойиш қилди.

Совет кишилари Коммунистик партия раҳбарлигида етти йиллик план топириқларини зўр муваффақият билан амалга оширмоқдалар. СССР Министрлар Совети кишилари Давлат Статистика Бошқармасининг 1959 йилнинг учинчи квартал ва тўққиз ойи мобайнида СССР саноатида давлат планининг бажарилди яқунлари тўғрисидаги ахборотида келтирилган рақамлар етти йилликнинг биринчи йил топириқлари муваффақият билан бажарилди етти йилликнинг давлат ресурслари анча кўпайди, бу эса озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотларининг кўпайишини таъминлади.

Барча иттифоқчи республикалар тўққиз ойлик планини яқин маҳсулот жиҳатидан ҳам, саноат маҳсулотининг кўпчилиги энг муҳим турлари бўйича ҳам тўла ва ошириб бажарилди. Ўзбекистон ССР саноати тўққиз ойлик планини муддатидан илгари адо етди ва пландан тақсирни 700 миллион сўмлик маҳсулот берди.

Социалистик саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланган сари саноат моллари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари тобора кўпаймоқда. Халқ бойлиги тинмай ортиб бормоқда. Шу бойликларни яратган совет кишилариининг маданияти ва фаровонлиги тўхтовсиз юксалиб бораётганлиги тўғрисида маданий-маиший товарларга ва рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёж ҳам кун сайн ўсмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ моддий фаровонлигини ва маданий савиясини юксалтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг кеча матбуотда эълон қилинган «Маданий-маиший товарлар ва рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришини ошириш, уларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги

қарори бу буюк ғамхўрликнинг энг ёрқин ифодасидир. Қарорда, кейинги йилларда мамлакатимизда маданий-маиший товарлар ва рўзгор буюмларининг анча кўпайганлиги, радиоприёмниклар, фотоаппаратлар, соатлар ва бошқа батын буюмлар кўп миқдорда ишлаб чиқарилаётганлиги кўрсатилди. Шу билан бирга, кўпгина маданий товарларни ва рўзгор буюмларини ишлаб чиқариш даражаси аҳолининг доимо ўсиб бораётган эҳтиёжларидан орқанда долаётганлиги ҳам таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1959-1965 йиллар учун белгиланган топириқларини муддатидан илгари бажариш мақсадида, маданий-маиший товарларни ва рўзгор буюмларини ишлаб чиқариш анча ошириш, уларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун халқ хўжалиги кенгашлари, маҳаллий ва кооператив саноати корхоналаридаги ишлаб чиқариш имкониятларидан энг тўла фойдаланиш чораларини амалга оширишни партия, совет ва хўжалик органларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайдилар.

Жонажон партиямиз ва Совет ҳукумати юқори сифатли, арзон, бежирим ва чиройли маданий-маиший товарларни, рўзгор буюмларини кўнлаб ишлаб чиқаришдек гоят муҳим вазифани қўйди. Партия бу вазифани қўйишда совет кишилариининг маданияти, хариб куввати, дид ва талаблари, истак-ораси юксак даражада кўтариб келинганлиги назарда тутилди. Бу фаровонлик ишонасидир.

Саноат корхоналарининг ходимлари партиямиз белгилаб берган тадбирларини амалга ошириш, талабчан халқимизнинг дидига мох келадиган маданий-маиший молларни ва рўзгор буюмларини кўнлаб ишлаб чиқариш учун социалистик мусобақани янада кенг аж олдирдилари, ҳар бир цех, участка, бригада ва агрегатда берилаган топириқни тўла ва ошириб бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Маҳаллий партия, совет, касба-сөөз ва комсомол ташкилотлари макуур қарорининг сўзсиз бажарилишини, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг фақат юқори сифатли ва ташки кўришни бежирим, чиройли бўлишини таъминлашлари зарур.

Ҳар бир корхонанинг совет кишилари талабларига ва дидига жавоб берадиган фақат юқори сифатли, бежирим ва чиройли товарлар ишлаб чиқаришига эришиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, фабрика марказининг шухрати учун кураш одиб бориш, маданий-маиший товарлар ва рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришини бутун чоралар билан кўпайтириш — саноат корхоналари ходимларининг шарафли бурчидир.

## ПИСКЕНТНИНГ пешқадамлари

### Ҳосилдорлик 42 центнерга етади

Мен бошчилик қилаётган 6-бригада ўтган йиллари ҳосилдорлик жиҳатидан энг қолоқ бригадалардан бири ҳисобланар эди. Бу йил Гаганова-ганишерчилар ҳаракатига қўшилиб, илгари ўзим бошчилик қилиб келган илгор бригадалардан шу бригадага ўтдим.

Бригада аъзолари КПСС XXI съездининг қарорларига жавобан йил бўйи астойдил меҳнат қилдилар. Улар етти йилликнинг биринчи йилида 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган эдилар.

Даламизда мажбуриятни ошириб бажариладиган даражада ҳосил етишиди. Уни йигиб-териб олишга эрта киришдик ва колхозда биринчи бўлиб планини сўнг эса социалистик мажбуриятни ҳам бажардик. Ҳозирга ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил йигиб олдик.



Уртоқ Э. АЛИҚУЛОВ

Ҳали даламизда пахта кўп. Колхоз планини бажарғач, пахтакорларимиз яна давлатга 300 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар. Бригадаимизнинг аъзолари эса ҳар гектар ердан яна 10 центнердан пахта йигиб-териб олишга сўз бердилар.

Эшвой АЛИҚУЛОВ, Калинин номи колхозининг бригад бошлиғи.

Пискент райони маррага яқинлашмоқда. Бундан бир неча кун илгари Тельман номи колхоз пахта тайёрлаш планини бажарганлиги ҳақида рапорт берган эди. Яқинда Жданов номи, Хрушчев номи, Калинин номи, Сталин номи колхозлар ҳам давлатга пахта сотиш планини муваффақият билан адо етиб, илгорлар сафига қўшилдилар.

Жданов номи колхоз райондаги энг қолоқ ва камҳосил колхозлардан бири эди. КПСС XXI съездининг қарорлари ва етти йилликнинг илорининг планлаштирган эдик. Тўрт машина узлуқсиз ишлаб турибди. Ҳозиргача улар билан 250 тоннага экин пахта терилди. План бажариладиган ҳар гектар ердан 400 тонна пахта тайёрлашга астойдил деб белгиланди, йил бўйи фикорона меҳнат қилдилар. Пахта тайёрлаш плани муддатидан илгари бажарилиди. Ҳар гектар ердан ҳозирнинг ўзидаёқ 18 центнердан пахта йигиб олинди. Утган йили эса ҳосилдорлик 13 центнердан ошмаган эди. Алижон Муродов, Эгамкул Эрматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда эса ҳар гектар ердан шу кунгача 23 центнердан ортиқроқ ҳосил олинди.

Колхоз аъзолари партиямиз Марказий Комитетининг навабдаги Пленумига катта тортиқ қилишмоқчи. Улар яна 400 тонна пахта тайёрлаш ҳақида ваъда беринди.

### Ёруғ юз билан

Бу йил колхозимиз ҳаётида жиддий бурилиш йили бўлди. Пахтакорларимиз етти йиллик топириқларини муддатидан илгари бажариш, ҳар гектар ерининг ҳосилдорлигини ошириш учун илгор меҳнат боғлаб меҳнат қилдилар. Уларнинг меҳнати эре кетмади.

Биз етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатларда ушқоқлик билан йигиб-териб олиш тадбирларини амалга оширдик. Шу сабабли давлатга пахта сотиш планини белгиланган муддатдан илгари бажаришга муваффақ бўлдик. Ҳар гектар ердан 17,5 центнердан пахта йигиб олинди. Давлатга ҳаммаси бўлиб 702 тонна биринчи сорт пахта сотилди. Бу ўтган йили йигиб олинган умумий ҳосилга нисбатан 172 тонна кўпдир.

Айрим бригадаларда ҳосил жуда мўл бўлди. Ўртоқ Хошим Марасулов бошлиқ 1-бригаданин аъзолари ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан 29 центнердан пахта йигиб олдилар. Ўртоқ Жумабой Сувонов бошлиқ 5-бригаданин кўрсаткичи ҳам бундан қолшмайди. Ўртоқ Маражаб Худойназаров бошлиқ 4-бригада эса ҳар гектар ердан давлатга 26 центнердан пахта сотди.

Ҳали даламизда ҳосил мўл. Колхоз аъзолари мавжуд имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 300 тонна пахта сотиш ва бу билан республика пахтакорларининг КПСС Марказий Комитетининг навабдаги Пленумига тайёрлашган совғасига муносиб ҳисса қўйишга қарор қилдилар.

Теримчилар ўртасида кўпмингкилограммчилар ҳаракатини кучайтириш, дала ишлаётган кишиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишини яхшилаш, мавжуд ишчи кучи ва транспорт воситаларидан тўла фой-

даланиш йигим-терим суръатини кучайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Кўпчилик колхозчилар ўнбешмингкилограммчилар ҳаракатига қўшилиб, кун сайн кўпроқ пахта тердилар. Турноий Худойбердиева, Эсонгул Ўриноева, Зулайҳо Қўчқорова, Майрам Раймқулова, Буруҳида Алимова каби пешқадам теримчилар ҳозиргача 7,5 — 10 тоннадан пахта териб, планининг бажарилишига катта ҳисса қўшилдилар.



Уртоқ М. ЛИТВИНОВ.

Колхоз қишлоғидаги Хрушчев номи мактабининг ўқувчилари колхознинг 90 тоннадан ортиқ пахтасини териб бердилар.

Ҳозир далада қолган ҳосилни тезроқ йигиб-териб олиб, қўшимча олдинган социалистик мажбуриятни ҳам бажариш ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумини ёруғ юз билан кутиб олиш тадбирлари амалга ошириляпти.

М. ЛИТВИНОВ, Сталин номи колхозининг раиси.

### Мажбуриятим 100 тонна

Бу йил колхозимизда ҳосил мўл бўлди. Сабаби, барча майдондаги ғўзани механизмлар ердани билан икки томонлама парвариш қилдик. Бу, ҳосилнинг эрта етилишига имкон берди. Колхоз аъзолари ҳосил йигим-теримига эрта киришдилар.

Ҳозиргача ҳар гектар ердан 22,8 центнердан пахта териб олинди ва йиллик пахта тайёрлаш плани тўла бажарилиди. Биз механизаторлар ғўза парвариши давридагиёқ, йигим-терим мавсумида ҳам ўзимизга билирилган ишончга яраша меҳнат қилдик. 4 та пахта терим машинаси билан пландаги 150 ўрнига 250 тоннага экин пахтани териб бердик.

Мен чиниолик механизатор Турсуной Охунваннинг ташаббусига қўшилиб, ҳозиргача 70 тонна пахта тердим. Музаффар Абдужалилов, Бинали Мамедов ўртоқлар эса 60 тоннадан пахта тердилар.

Колхозимиз аъзолари яна 400 тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Шундан 100 тоннаси машиналар билан териб олинди. Мен эса яна 30 тонна пахта тераман. Чунки мажбуриятим 100 тонна.

Мамад АБДУНАБИЕВ, Хрушчев номи колхозининг механик-ҳайдовчиси.

### ҲИССАМИЗ

Йигим-терим бошланган дастлабки кунлардаёқ теримчилар ўртасида кўпроқ пахта териш юзасидан кураш кучайди. Колхоз партия ташкилоти коммунистларни социалистик мусобақанин илгорлари сафига бўлишга чақирди. Мен шу ташкилотнинг аъзоси сифатида кўпроқ пахта териб бошқаларга намуна бўлишга сўз бердим, 26 тонна пахта териш юзасидан мажбурият олдим.



Уртоқ Т. АРСЛОНОВ.

Суръатини кун сайн кучайтириб, дастлабки кунларда 250 — 300 килограмдан пахта тердим. Ҳозир эса ҳар кун 400 килограмм ва ундан ошириб пахта тераптирман.

Теримда колхозимизнинг бошқа кўпгина аъзолари ҳам унумли меҳнат қилмоқдалар. Чинниҳол Ражабова, Фотима Каримова, Шолон Холбоева, Малика Тўраева, Мария Турғунбоева каби 50 га экин теримчи ҳозиргача 9 — 13 тоннадан пахта тердилар. Мен шу кунгача 15 миң 500 килограмм пахта тердим.

Колхозимиз давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажариш, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан бутун ўтган йилдаги қараганда 5 центнердан кўп ҳосил йигиб олинди. Бу муваффақиятни қўлга келтиришда биз кўпмингкилограммчи теримчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Туроб АРСЛОНОВ, Жданов номи колхозининг теримчиси.

Н. С. ХРУШЧЕВ Францининг СССРдаги элчиси М. Дежанни қабул қилди

16 октябрда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Францининг СССРдаги элчиси Морис Дежаннинг унинг илтимосига мувофиқ қабул қилди ва у билан суҳбатлашти. Суҳбат вақтида СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. А. Зорин ҳозир бўлди.

Н. С. ХРУШЧЕВ Эрон элчиси А. Масуд-Ансарийни қабул қилди

16 октябрда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Эроннинг СССР даги элчиси А. Масуд-Ансарийни унинг илтимосига мувофиқ қабул қилди ва у билан суҳбатлашти.

Суҳбат вақтида СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов ҳозир бўлди.

Карл Маркс ва Фридрих Энгельс асарлари ўзбек тилида

Ўзбекистон ССР давлат нашриёти Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг икки томлик танланган асарларининг иккинчи томини ўзбек тилида босиб чиқарди.

Асарни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг Ўзбекистон филиали таржима қилган. (ЎЗТАП).

Учинчи совет космик ракетасининг ҳАРАКАТИ Тўғрисида

Планеталаро автоматик станция 16 октябр Москва вақти билан сөөт 20 да Ердан 267 миң километр узоқдаги масофада бўлди. Планеталаро станция қаранатининг теглиги шу вақтда сенунига қарийб 1,2 километрни ташкил қилди.

15 ва 16 октябр кунлари станция билан алоқа сонсилар вақтида Ерга эшиттирилган ўлчов натижаларини ишлаб чиқиш планеталаро станциядаги аппаратлар белгиланган программага мувофиқ ишлаётганлигини кўрсатди. Станциядаги босим ва унинг температураси белгиланган миқдорда бўлмоқда.

Кўёш батареялари, энергиянинг нисвий манбалари, илмий ва ўлчов аппаратлари нормал ишланмоқда. Москва вақти билан сөөт 20 да планеталаро станция Геркулес юлдузлар туркуми орасида координатлари; тик кўтарилиши 17 сөөт 15 минут 15 секундида ва огиши 34 градус 53 минутта тенг нуқтада бўлди.

Планеталаро автоматик станция билан навабдаги алоқа сониси 17 октябрда Москва вақти билан сөөт 12 дан 13 га қадар ўтказилди. (ТАСС).

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ПАРВОЗДА

Учинчи сунъий йўлдош 17 октябр эрталаб сөөт олтига қадар Ер атрофини 7.378 марта айланиб чиқди. 19 октябрда йўлдош эрталаб шимолӣ кенглигининг 54 градусидан 73 градусигача ҳамда кечкурун жанубий кенглигининг 27 градусидан 57 градусигача кўриш мумкин. (ТАСС).

Суратларда: (чапдан) Хрушчев номи колхозининг раиси Х. Абдиқулов, «Пискент» совхозининг теримчиси З. Убайдуллаева, Жданов номи колхозининг раиси А. Дўбёков, Хрушчев номи колхозининг бригадари М. Ирисбоев, Сталин номи колхозининг бригадари Х. Марасулов ва Тошкентдан Гидрометеорология техникумининг Пискент районидаги Жданов номи колхозда пахта тераётган студенти К. Эргашев ўртоқлар. М. Шевелев фотолари.

## ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини бажарганликлари учун қуйндагилар «Бласт» Хурмат тахтасига ёзилдилар

Колхозлар, совхозлар ва бригадалар	Кўшимча олган мажбурият (тонна ҳисобидан)
Сирдарё районидаги Илйч номи колхозининг ўртоқ А. Митанов бошлиқ бригадаси	145
Оқўрғон районидаги Калинин номи колхозининг ўртоқ К. Холманов бошлиқ бригадаси	120
Боевот районидаги Карл Маркс номи колхозининг ўртоқ Э. Розиков бошлиқ бригадаси	300
Янгийўл районидаги Киров номи колхозининг ўртоқ Х. Норов бошлиқ бригадаси	80
Оқўрғон районидаги «Оқўрғон» совхозининг ўртоқ И. Турдиев бошлиқ бригадаси	95
Дўстлон районидаги Ленин номи колхозининг ўртоқ К. Тўхидинов бошлиқ бригадаси	56
Тўстлон районидаги «Красний восток» колхозининг ўртоқ Х. Худойкулов бошлиқ бригадаси	170



Н. С. ХРУШЧЕВ

Рязань областининг хотин-қиз колхозчилари ва совхоз ишчилари делегацияси билан учрашди

Рязань областидан хотин-қиз колхозчилари ва совхоз ишчилари делегацияси Москвага келиди. Улар меҳнат соҳасида эришган катта галабалари тўғрисида, сут, гўшт, ёғ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан мамлакат олдида олган юксак мажбуриятларини қандай бажарётганликлари ҳақида аjoyиб хабарларни олиб келишди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Райиси Н. С. Хрушчев Рязань областининг шонли хотин-қиз қишлоқ хўжалик меҳнатчилари делегациясини 16 октябрда Кремлда қабул қилди.

Мажлислар залида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, колхоз раислари, донгдор сут соғувчилар, чўчка-боқарлар, бузоқдорлар, паррандачилар, совхоз ишчилари, агроном ва зоотехниклар, район партия ва комсомол комитетларининг секретарлари, қишлоқ мактабларининг ўқитувчилари, ҳаммаси бўлиб 58 киши тўпланди.

Қабул вақтида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. В. Аристов, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Д. С. Пойланский, КПСС Рязань области комитетининг Биринчи секретари А. Н. Ларионов, Рязань области ижроия комитетининг раиси И. В. Бобков, КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бўйича қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Г. И. Воробьев ҳозир бўлишди.

Залдагилар томонидан самимий кутиб олинган Н. С. Хрушчев Рязань хотин-қизларига қизгин таъриқ сўзлари билан муносабат қилди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан ўртоқ Хрушчев Рязань области меҳнатчиларини ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришда эришган катта муваффақиятлари билан таъриқлади.

Сўнгра Сапожок район партия комитетининг биринчи секретари Н. А.

Маторина, Шилово райондаги «ВЛКСМ 13 йиллиги» колхозининг сўт соғувчиси Екатерина Радюхина, педагогика институтининг кафедраси мудири А. А. Доронина, Ермиш ўрта мактаби 11 синф ўқувчиси Раиса Кувшинова, Шилово райондаги Киров номи колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Ефремова, ВЛКСМ Спаск район комитетининг биринчи секретари Мария Жукова, Рязань райондаги «Красное знамя» колхозининг зоотехниги Е. С. Бодрова, Спаск райондаги «Брестьянский труд» колхозининг раиси М. Е. Кузнецова, Ермиш ўрта мактабининг директори М. И. Павлова, Ухолово райондаги «Родина» колхозининг раиси О. Т. Павликова, Спаск райондаги «Россия» чўчкачилик фермасининг мудири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. А. Судояв, Ижевское райондаги «Дело Октября» колхозининг сўт соғувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ф. Ивкина сўзлашди.

Қабул вақтида донгдор колхозчи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. Н. Коврова ўртоқ Н. С. Хрушчевга Рязань меҳнатқаш хотин-қизлари номидан мактуб топширди. Колхозчи хотин-қизлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига Рязань чеварлари ишлаган байроқни топширдилар.

Пировардида Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. У Рязань областининг колхоз ва совхозларидаги хотин-қизларнинг фидокорона меҳнатига юксак баҳо берди, уларни эришган муваффақиятлари билан хотиржам бўлиб қўямасдан, экономика ва маданиятни ривожлантириш йўлида энг галабаларга эришиш учун курашини чақирди. Ўртоқ Хрушчев Рязань области меҳнатчиларига — ишчилар, колхозчилар ва энгиларга салом топширишни сўзлади. У рязанлик шонли хотин-қизлар шарафига, областининг барча меҳнатчилари шарафига эришган катта муваффақиятлари билан таъриқлади.

(ТАСС).

Ватанпарвар нахтакорларга



Ўртоқ Д. ТАЛАББОВА



Ўртоқ Ю. РАХМАТОВ



Ўртоқ С. БЕРКИНБОВА

17 ОКТЯБРАГА

Қанча пахта тайёрланди

Table with columns: Районлар, Бир кўвлик ўсиш, Машинна билан, Мавсум бошидан бери. Lists districts like Куйи Чирчиқ, Гулистон, Пискент, etc.

Пахта теришга қурби етган ҳар бир киши шу кеча-кундузда далада бўлсин!

Янгийўлликлар, отни қамчилай-диган пайт келди!

Янгийўлдаги баъзи колхоз раҳбарлари пахта тайёрлашдаги ўзларининг қобилиятларини оқлаш учун «Октябрь ойида ҳам пахта керак бўлади, биздан пахтани октябрда ола-берасиз» деб келишди. Эндликда аса бу ваздаларнинг устидан чиқолмаганликлари учун «ноябрда ҳам пахта керак» демодилар. Агар улардан нега бундай деб сўрасангиз, «Баҳорда гўзамини дўла уриб кетган эди» дейдилар. Тўғри, бу райондаги кўпгина гўзалари баҳорда дўла уриб кетди. Бу ҳол ишни аяқ-гина орқага суриб юборгани ҳам рост.

Лекин, Ленин номи колхозининг ўртоқ Эшим Нормираев бошлиқ бригада аъзоларининг 120 гектар ердаги гўзамини ҳам икки марта дўла урган. Чигит қайта экилган. Аммо улар айни пайтда дўла урганини пеш қилиб, қараб турганларини йўқ. Улар ҳар гектар ердан 30 центнер ўришга 40 центнердан ҳосил олиш учун курашиб, планни 86 процент қилиб бажариб қўйдилар. Бундан кўриниб турибдики, сентябрь, октябрь ойларининг исеки келиши туфайли орадаги тафовут алаҳчагон йўқолиб кетган. Эндликда дўла урганини баҳона қилишга асло ўрин қолмаган. Ахвол шундай бўлган ҳолда дўлаи дастак қилиб олган ва шу қайфиятга берилиб кетган «Шарқ юлдузи», Фрунзе номи, Свердлов номи ва бошқа колхозлар пахта тайёрлашда ҳатто район даражасидан ҳам орқада қолиб кетдилар.

Районнинг областда энг орқада қолиб кетишига сабаб бўлаётган бундай қайфиятга хотима бериш пайти келмадими?

Киров номи колхоз аъзолари «бу йил ҳам машина билан пахта теришда кўпларга ўрнак бўларди иш қилдилар. Бу колхозда 2273 гектар пахта майдонидан 900 гектари машина теримига ажратилган. Ҳозиргача машина билан пахта териш плани 85 процент қилиб бажарилган. А. Палюнина бошлиқ бригадада пахта тайёрлаш плани машина терими билан бажарилган. Машина билан пахта териш олинган бир қисм ерларда кузги шугор бошлаб юборилган. Колхоз аса районда энг олдинда бормоқда.

Афсуски райондаги кўп колхозларда машина теримига етарли эътибор берилмади. Агар колхоз раҳбарлари билан бирма-бир сўзбашаб

қобилият, улар пахта териш машиналарининг афзалликларини бирма-бир сайиб бошлайдилар, ўзларини машинага тарафдор қилиб кўрсатдилар. Ҳеч ким бунга қарши гапирмади. Лекин амалда аса уларнинг бу соҳада қилаётган ишлари гапларига сира тўғри келмайди. Бўямаса, машина билан пахта териш планини ўртоқ Файзиев раис бўлган «XIX партия» колхозда ҳозиргача 20, ўртоқ Исмаилов раис бўлган «Коммунизм» колхозда 20, ўртоқ Турсунқудов раис бўлган «Шарқ юлдузи» колхозда 18, ўртоқ Музаев раис бўлган Свердлов номи колхозда 25 процент бажарилганини қандай изоҳлаш мумкин? Наҳотки бу ўртоқлар қуруқ гап билан кўйини тўғиллиб бўлмаслигини тушунмасалар?

Ленин номи колхоз 3 минг гектар ерга чигит экиб, 12 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олган. Лекин негадир шунга фақат 300 гектар ердан 250 тонна пахтани машина билан териш планлаштирилган. Бунинг умумий ерга ва олинмаган ҳосилга нисбатан деңгиздан бир томи деса бўлади. Колхоз раҳбарларидан нега бунча ҳам десаңгиз, улар дарҳол машинага боп еримиз шу ҳолос, дейдилар. Лекин колхозда мана шу иш ҳам дуруст уюштирилмаган. Бу колхозда ҳозиргача машина билан пахта териш плани 48 процент бажарилган, ҳолос.

Колхознинг ўртоқ Анорқул Қўлдошев бошлиқ бригадасининг 102 гектар пахта майдонидан машина теримига 25 гектари ажратилиб, бу ердан 30 тонна пахта териш олиш планлаштирилган. Ҳозиргача аса шундан 2 та машина билан бор-йўғи 14 тонна пахта терилган. Демак, бу ерда машина номинатига ишлаб турибди. Бундан ташқари машинага ажратилган бир бўлак ердаги пахта қўл билан териш юборилган.

Ўртоқ Абула Кўнонов бошқараётган СХС-1,2 маркали машина бир кун ишласа, икки кун ишмайди. Колхоздаги бошқа бир машина аса бутундай бузилиб ётипти. Ҳозир колхоздаги 6 та машинадан 4 тасини бутун деса бўлади.

Карл Маркс номи колхозда график бўйича 1063 киши терими чиқини лозим. Лекин далада ишлаб турганлар 800 кишидан ошмайди. Колхозда нарқа бўйича ҳар бир киши 80 килограмдан пахта териши лозим бўлса, айни пайтда бу колхоз

да ўрта ҳисобда 40—45 килограмдан пахта терилапти. Демак, булик топшириқнинг арми аранг бажарилапти.

Бу колхозда планини ортиқ бажарган, маррага яқинлашиб қолган бригадаларда меҳнат унуми ахши, лекин орқада қолаётган, ҳали ерда ҳосили кўп бўлган бригадаларда аса меҳнат унуми паст деса бўлади. Жумладан, Иллик планини 70 процентдан ошириб бажарган Аҳмадjon Зуфаров бошлиқ бригаданинг аъзолари ўрта ҳисобда кунига 77 килограмдан пахта териш турибдилар. Аммо планини янги 49 процент бажарган Қозоқбой Париев бошлиқ бригадада аса колхозларга ўрта ҳисобда 40 килограмдан пахта термоқдалар.

Ўртоқ Умрбой Коржонов бошлиқ бригададаги теримчилар рўйхатида 68 киши ёзилган. Шундан 25 киши пахта териш турибди. Булардан фақат икки киши кунлик нормани бажармоқда. 6 киши аса 4 килограмдан пахта териш, икки «қоғил» қилмоқда. Рўйхатда кўрсатилганлардан 33 киши далада кўринмайди. Ленин номи колхозда 3227 теримчидан айни кунларда фақат 2900 га яқин киши пахта тераяпти.

Бошқа колхозлар ҳақида ҳам мана шу маънода талай гапларни айтиш мумкин. Чунки ҳамма колхозларда графикда кўрсатилган ишчи кучлари теримга ҳали тўла сафарбар этилмаган.

Райондаги баъзи ўртоқлар гоҳо бизнинг юкмиз оғир деб қўядилар, бу шубҳасиз тўғри. Янгийўлликлар мана шундай оғир юки кўтариб, кўп вақт маррага етказиб келганликлари учун ҳам донг чиқарганлар. Шунинг учун ҳам уларни ҳамма фахр билан тилга олиб келган. Орқада қолишни бу билан оқлаб бўлмайди. Мулазимларини, бўйига ярашур деган гап бор. Янгийўлликларнинг тўни ҳам бўйига муносиб. Ундан нолишнинг ҳолати йўқ. Бунинг ўрнига отни қаттиқроқ қамчилай керак. Ишдаги қамчиликларни йўқотинга, суръатни тезлаштиришга зўр бериш зарур. Чунки айни пайтда баҳоналар ва вақлар бидди қанорлар тўлмайди.


Б. ХАЛИЛОВ, Н. ЭГМАЗАРОВ, Г. ФАТТОХОВ.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Янгийўл» газеталарининг рейд бригадаси.

Ватанпарвар нахтакорларга



Ўртоқ Б. ҚУДУМБЕТОВА



Ўртоқ Т. ҚўЛДОШЕВ



Ўртоқ Ж. АБДУРАШИДОВА

Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда

Келгуси йил мўл ҳосили учун

Шу кунларда гулистонлик пахтакорлар «Деҳқон бўлсанг шугор қил» мақолини ғалатига шивор қилиб олиб, ҳосили йиғиб олинган пахта майдонларини пешма-пеш шугор қилмоқдалар. Шугорлаш, айниқса Карл Маркс номи, «Красная заря» колхозларида ва Бушув номи совхозда жадол борапти.

Захсан ерларда экинзорларни кузда шугорлаб қўйиш айниқса

фойдали, — дейди «Красная заря» колхозининг раиси ўртоқ Абдуназар Турдиев, — тунки нам тупроқ остида қолган ўт-ўланлар 5—6 ой давомида чирой ўғитта айланади. Биз шунини назарда тутиб ҳосили йиғиб олинган карталарга тезлик билан трактор кириталмиш.

Ҳозир колхозда пахта тайёрлаш ва далавта топшириш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилапти. Шунинг билан бирга ўртоқ А. Турдиев айтганидек, кузги шугорлаш ҳам қизғин давом этмоқда. Бир гуруҳ механикаторлар ҳайдов тракторларини ремонт қилаётдилар. 4-5 трактор аса далада унуман ишлаб, кунига 25—30 гектар ерни шугор қилаётди. Шу кунгача улар билан 150 гектарга яқин ер ҳайдаб қўйилди.

Бушув номи совхозда ҳам иш қизғин. Бу хўжалик кўп йиллар давомида пахта тайёрлаш планини бажармай келган эди. Ўтган йили йл

ғор тажрибаларга амал қилиниб, пахта майдонининг кузда шугор қилинди. Натижлада бу йил пахтадан ҳар йилгига нисбатан мўл ҳосил етиштирилди.

Бу йил ҳам кузги шугорлашга барвақт киришилди. Ҳозирги кунга қадар совхоз механикаторлари 130 гектарга яқин экинзорларни сифатли қилиб шугорладилар. Айна шундай хўжаликларнинг ибратли иши районнинг бошқа колхоз ва совхозларида ҳам кенг ёйилапти. Районда пахта ҳосили йиғиб олинган ерлар ва бошқа экинзорлар ўрнини шугорлашни бошлаб юборётган бригадалар сонин кун сайин кўпаймоқда. Октябрнинг биринчи ярмида район бўйича 700 гектарга яқин ер шугорлаб қўйилди.

С. СУЛТОНОВ.


Пискент райондаги Хрушчев номи колхозининг механик хайдовчиси ўртоқ Мажд Абдунабиев ҳозиргача СХМ-49 машинаси билан 70 тоннадан ортиқ пахта терди. У яна 30 тонна пахта териш учун курашмоқда. Суратда: ўртоқ М. Абдунабиев иш устида.

М. Шевелев фотоси.

Бир сменага ўтиш йўлида

Оржоникидзе район партия комитети бюро мажлисларидан биринчи мажлисларга қўшимча бинозлар ажратилиш ва райондаги 41 та мактабни 1960/61 ўқув йилигача бир сменага кўчириш тадбирларини ишлаб чиқди. Бу йилга райондаги колхозлар, сапогат корхоналари жамоатчилигини яқиндан ердан бермоқда. Маъмурий-бошқарув аппарати билан бўлган, бирлашиб кетган колхозларнинг идоралари жойлашган бинозлар мактабларга берилмоқда. Киров номи, Хрушчев номи колхозлар янги мактаб бинозлари қуриб олдилар. Навоий номи колхозда, гўшт заводида янги типовой мактаб бинозлари қурилапти. Гўшт заводи собиқ ётоқхонасини 4-мактабга берди. Киров номи колхоз территориясидан 2-мактабга собиқ

Оржоникидзе номи колхоз идораси жойлашган бино берилди. Шунингдек, «Сталинград» колхозининг 28-мактаб учун 4 хона ажратилди. Янги вақт ичида собиқ колхознинг идораси ҳам бунтабиб берилди. «Ленинград» колхозини аса 26-мактабга 6 хоналик бино қуриб берди. «Қизил Забестон» колхозини 6, 8, 9-мактаблар учун 10 та хона қуриб берди. Собиқ Сталин номи колхоз идорасининг биноси аса 24-мактабга берилди. Маэкур қўшимча хоналар жиҳозланиб, ўқиш олиб бориш учун ҳамма мулайимликлар яратилди. Бу каби тадбирларнинг қурилиши натижасида райондаги мактабларнинг ярмисидан машғуллотларни бир сменада олиб бориш имкониятлари туғилди. У. НИЕЗОВ. «Коммунизм тоғи» газетасининг редактори.



# Маданий-маиший товарлар ва рўзгор буюмлари янада кўпаяди!

### Областимиз саннат корхоналарининг коллективлари партия ва ҳукуватимиз қарорига жавобан қўшимча резервларни ишга солмоқдалар

## Халқ манфаатларини кўзлаб

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маданий-маиший товарлар ва уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришни ошириш, уларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш чоралари тўғрисида қабул қилган қарори жуда муҳим ва ўз вақтида қўрилган тадбирдир. Ҳақиқатан ҳам меҳнатқашларнинг маданияти ва фаровонлиги тўғрисида юксалиб бораётганлиги сабабли уларнинг маданий-маиший товарларга ва рўзгор буюмларига бўлган эҳтижи тобора ўсаяпти.

Партия ва ҳукуватнинг халқ манфаатларини кўзлаб қабул қилган қарори Тошкентдаги металл идишлар заводи коллективи ўртасида аниқ қилиниши билан ўзгалди. Корхона коллективи ана шу қарор асосида аҳоли учун рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришни таъин қилиб кўпайтиришга имкон берилган тадбирларни белгиламоқда. Шу кунларда цех ва участкаларда бақ, челек, дастурдошлар, кир ивалитин тобора, алюминий кружка ва чойнақлар, дастон ва хилма-хил датислар ишлаб чиқариламоқда. Ишчан коллектив аҳоли учун тайёрланаётган ана шу рўзгор буюмларини янада кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида зўр гайрат билан меҳнат қилиб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида янги маҳсулот ишлаб чиқариш топшириги анча ошди.

Биз ана шу икки цехни таъин қилиб кўпайтириш мақсадида биз бар қатор тадбирларни амалга оширишни мўжазламоқдамиз. Чунинчи, ҳозирги пайтда Чингтойда ҳамда Самарқандда янги маҳсулот ишлаб чиқариш топшириги берилди. Бу тадбирлар, шубҳасиз, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш учун қўлай имкониятларни яратиб беради.

Г. НУРУЛЛАЕВА.

## 5 декабрда эмас, 20 октябрда


Иш суръатини тиғмай ошираётган Қорасув районидagi ремонт заводи коллективи ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш, иш вақтидан унумли фойдаланиш натижасида 9 ойлик янги маҳсулот ишлаб чиқариш планини 138,7 процент қилиб бажарди.

Қўлга киритилган бу муваффақиятдан илҳомланган ремонтчилар дастлаб йиллик планини 5 декабрда

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ.

## Машинасозларимиздан

Отасига РЕПОРТАЖ тобора авж олиб бораётган шу кунларда республикамиздаги янги пахтакор колхоз ва совхозга борманг, янги пахта териш машинасини яратган конструкторлар ва уларни ишлаб чиқараётган корхона коллективи



Контролер С. Матейко (пастда) ва йиғувчи Н. Нехороший ўрлар конвейердан чиққан ХВС-1.2 пахта териш машинасини обхотдан олган охири мартда синаб кўрмоқдалар.



— Маданий-маиший товарлар ва уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқариши янада кўпайтиради. — Тошкентдаги Эгар-жабдуқ галанте-рета фабрикаси коллективи партия ва ҳукуватимизнинг қарорини ана шундай сўзлар билан қутуб олди. Суратда: 4-участка ишчиларидан (биринчи қаторда чапдан) Л. Рязанова, И. Усмонов (иккинчи қаторда чапдан) Х. Холмухамедов, Л. Минина, З. Назиров ва З. Буноба ўртоқлар янги қарорни муҳофама қилаётдилар.

М. Нуридинов фотоси.

## 70 хил маҳсулот

Аҳолини маданий-маиший товарлар билан мўлақат таъминлашга муносиб ҳисса қўлиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юборган Тошкентдаги агар-жуьдуқ ва галантерей фабрикаси коллективи маҳсулот турларини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашда катта ютуқларни қўлга киритаётди. Улар етти йилликнинг биринчи йилида қариб 62 миллион сўмлик янги маҳсулот ишлаб чиқариш маълумоти олиналди. Утган 9 ойда 45 миллион 500 миң сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Шу кеча-кундузда корхонада 70 хилга яқин турли-туман маданий-маиший товарлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқариламоқда. Фабрика коллективи тайёрлаб бораётган катта-кичик чемадонлар, хотин-қизлар сумкалари, мактаб ўқувчилари портфеллари, камарлар, рюкзаклар, чардам тикланган кўлоқ ва шунинг каби қатор буюмлар кенг меҳнатқашлар оммасига манзур бўлмоқда.

Бир ёқадан беш чиқариб меҳнат қилаётган фабрика ишчилари, инженер-техник ходимлари партия ва ҳукуватимизнинг халқ манфаатларини кўзлаб, совет кишиларнинг маданияти ва фаровонлиги тўғрисида юксалиб бораётганлигини ҳисобга олиб, ўз вақтида қабул қилган «Маданий-маиший товарлар ва уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришни ошириш, уларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарорини кенг ўзгалмоқдалар.

Ф. УМАРОВ.

лаш қутиси тайёрлаш энг мураккаб операциялардан бири ҳисобланади. — деди цех бошлиғи Янги машина ишлаб чиқарила бошланган дастлабки кунларда биз ана шу қутини тайёрлашда анча қийналиб қолдик. Смена давомиде атиги битта тақсимлаш қутиси тайёрлашда кунларимиз ҳам бўлди. Бу аппарат тайёр бўлганга қадар жуда кўп жараянларни бошдан кечиридик. Аввалга иш сизамқи кетадида, охириги операцияда бракна йўл қўйиларди. Эндилда эса, бу процессия мукамал ўзлаштириб олдик. Ҳозир кунинча 10 та тақсимлаш қутиси тайёрлаб бермоқдамиз. Еш ишчиларимиздан Н. Соколов, Д. Минко, А. Барганов, П. Вавилов ва бошқалар ўз зиммаларига оқлатилган вакифани тўла ва ошириб адо этаётдилар. Улар қисқа муддат ичда ўз ишларининг устаси бўлиб олдилар.

## миннатдормиз

— Кечга маҳсулимиз. — деди корхона бош инженери ўртоқ Александр Григорьевич Винокуров. Биз Александр Григорьевичдан буюқлари қўлини оладиган даражада ялтираб турган ана шу машиналарнинг яратилиш жараёни билан таништирилиши илтимос қилдик.

Марҳамат танишгани 14-механика цехида бошласан бўлади. Янги машинанинг асосий қисмлари ўша ерда тайёрланади. — деди у. Теп-тепис асфальт ётқизилган йўлдан илларлаб бопар энанмиз, ҳамроҳимиз ҳозир бир суткада 5 та машина ишлаб чиқараётганликларини, йил охирига бориб бу кўрсаткичнинг икки баравар ошириш ниятида эканликларини, бунинг учун барча имкониятлар ишга солинатганлигини ҳақида гапириб берди.

Механика цехида бенин цех бошлиғи ўртоқ Подослиновни кутуб олди. 8 та пролетар турли-туман машина ва механизмларини бошқараётган меҳнатсевар машинасозларнинг республикамиз пахтакорлар ўз зиммасига олган юксак мажбуриятининг тевроқ бажарилишига муносиб ҳисса қўлиши иштинки билан тўлиб-тошиб ишлаётганликларини ақвол сезиб турарди.

Бу ерда ХВС-1.2 маркали машинанинг ишчи аппарати, шпинделлари, тақсимлаш қутиси ва шу каби қатор деталлари тайёрланад экан.

— ХВС-306 маркали тақсим-

# ҲЕТ ЭЛЛАРДА

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ИНДОНЕЗИДА БЎЛИШИ ЖАКАРТА, 16 октябрь. (ТАСС). Н. А. Мухитдинов бошлиқдаги СССР Олий Совети делегацияси буғун тушдан кейин Суракарта шаҳар марраининг резиденциясида бўлди. Делегацияни Суракарта шаҳрининг мэри Утомо Рамелан, Суракарта областининг бошлиғи Мухтор, Суракарта шаҳри халқ вакиллари ушмасининг раиси Садали ва маҳаллий маъмуриларнинг ҳамда жамоатчиликнинг бошқа вакиллари қутуб олдилар.

Делегация инвалларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш институтида бўлди. Суракарта шаҳрининг мэри Утомо Рамелан СССР Олий Совети делегацияси шарафига эиқфат берди. Эиқфат сажимий, дўстона вазиьта ўтди.

РУМИНИЯ-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ БУХАРЕСТ, 16 октябрь. (ТАСС). Руминия Халқ Республикасида румин-совет дўстлиги ойлиғига бағишланган тадбирлар зўр муваффақият билан ўтмоқда. Пошта-архитекторлари ўйида СССР архитекторлар союзининг секретари А. И. Клязев Совет Иттифоқда қуришиш ишлари тўғрисида лекция ўқиди. У ҳозир ойлик муносабати билан Руминияда меҳмон бўлиб турибди. Бухарестдаги студентларнинг маданият ўйида йўғувчи Н. Делану Совет Иттифоқга қилган сажабати тўғрисида таъсирларини айтиб берди. У Белорусияда Руминия маданияти кўнглини ўтказилган вақтда Совет Иттифоқда бўлган эди.

Плоешти маданият саройида фото-выставка очилди. Бу выставка Советлар мамакатининг халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантиришида эришган муваффақиятлари ва етти йиллик план тўғрисида хикоя қилади. Бу ерда шунингдек рус ва румин халқлари ўртасидаги қадимий дўстлигини кўрсатувчи хужжатлар ҳам бор.

Мамлакатнинг кўпгина корхоналарида ҳам выставкалар ташкил этилган. Республика кинотеатрларида муваффақият билан совет фильмлари ҳафта си ўтказилмоқда.

## СОФИЯДА КЕЧА

СОФИЯ, 17 октябрь. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиғи хабар беради: Н. С. Хрущевнинг «Халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун» номли нутқлар тўлими босилиб чиққанлиғига бағишланиб, Софияда кеча бўлиб ўтди. Китоб кўп нусхада болгар тилида босилиб чиқди.

Кечада сўзга чиққанлар Совет Иттифоқининг тинчликсевар таъини свсати ҳамда халқлар ўртасида дўстлик учун, тинч-товуз яшаш учун, тўла ва ёппасига кулолсизланиш учун курашаётган Совет ҳукумати бошлиғининг ҳормас-таъмас фаолияти тўғрисида гапирдилар. Улар шунингдек совет ташки селатининг муваффақиятлари бутун болгар халқини социалистик қуришда янги гадалаб қозонишга илҳомлантираётганлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.



14-механика цехининг пейшқадан ишчиларидан (чапдан) В. Бивальцев, Г. Минко, А. Барганов ва П. Вавилов ўртоқлар тайёр бўлган тақсимлаш қутисини кўздан кезиб ўттирилди.

А. Абалля фотолари.

машина ҳалдан ташқари оғир бўлиб, уни бошқариш қийян. Бундан ташқари бошқариш ричаглари 20 дан ортиқ бўлиб, бу механик-ҳайдовчиларнинг янада унумли меҳнат қилишига тўсқинлик қилмоқда.

Ҳозирги кунда пахта териш машиналари бўйича конструкторнинг бориши ва корхонанинг мутахассислари ана шу камчиликларни бартаф қилиб, машинани янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдалар. Яқинда коллективимиз томонидан яратилган «ДТ — 24-3» тракторларига таъриб ишлатиладиган ХНТ-0.6 ВШ маркали янги машина пахтакорларимизнинг талабларига тўла жавоб берадиган машиналардан биридир.

Корхонадан чиқиб нетар энанмиз, етти йилликнинг охирига бориб, йилга қариб 30 миңта пахта териш машинаси ишлаб чиқариш ва шу билан республикамиз пахта далаларида етиштирилдиган «оқ олтин» ни териб олишни механизациялаш учун курашаётган завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига биз ҳам чин қўнгилдан миннатдорчилиги билдирик.

У. ГОЗИЕВ.

«Ташсельмаш» заводи.

БИРЛАШGAN МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНING XIV СЕССИЯСИ МАХСУС СИЕСИЙ НОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 16 октябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг Махсус сиесий комитети ишга тушди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош органиларининг — Хавфсизлик Кенгашининг, Иқтисодий ва социал кенгашининг, шунингдек халқаро суднинг составини кўпайтириш масаласида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини ўзгартиришга уриниш масаласи Махсус сиесий комитетининг ала эътиборини жалб қилди. Бош Ассамблея бу масалани неча марта бамаалаҳат бир қарорга келиш учун шароит бўлмаганлиги сабабли, ҳар сафар бу масалани муҳофама қилиш кейинга қолдирила берди. Бундай ахволнинг асосий сабаби шунки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотиде буюк хитой халқининг қонуний вакиллари йўқ. Маълумки, Уставга йиритилдиган ҳеч қандай ўзгартириш тузатиш Хавфсизлик Кенгашининг ҳамма доимий аъзолари, шу жумладан, Хитой Халқ Республикаси ҳам маъқулламай ва ратификация қилмай тўриб қабул этилиши мумкин эмас.

Совет Иттифоқи вакили А. А. Соболев Комитет мажлисида сўзга чиқиб айтдики, Уставни ўзгартириш тўғрисидаги тақлифни ҳозирги шароитда Хитой Халқ Республикаси вакиллари шитроқисиз муҳофама қилиш ўринсиздир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотиде Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқлари тикланганидан кейинги Уставга у ёки бу хил ўзгартириш киритиш масаласида, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош органиларининг составини кўпайтириш масаласида ҳам реал натижаларга эришиш мумкин бўлади.

СССР делегацияси Иқтисодий ва социал кенгаши кенгайтириш масаласи биринчи навбатда муҳофама қилинсин, деган тақлифи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бутун Уставини буюмоқ учун ва ж топиш йўлидаги ошқора уринимдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайди.

## БХИЛА — ҲИНДИСТОН-СОВЕТ ДЎСТЛИГИНИНГ СИМВОЛИДИР

ДЕХЛИ, 16 октябрь. (ТАСС). Ҳиндистон-Совет дўстлигининг символига бўлаган Бхила металлургия заводи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичига кирди, деб гади «Нав жиян» газетаси Ҳиндистонда Совет Иттифоқининг сўрами билан барпо этилаётган Бхила заводида биринчи марта печининг ишга туширилганлиғига бағишланган мақолада. Ҳар иккала мамлакатнинг халқлари, деб таъкидлайди газета, ана шу ютуқ билан фахрлана олади.

«Нав жиян» газетаси совет инженерлари завод қурилишини тугаллаш ишда астойдил сабот ҳамда маҳорат кўрсатаётганликларини таъкидлаб, совет мутахассислари хил металлургиянинг аъло даражада тайёрлаётганликларини ҳам кўрсатиб ўтди. Ҳинд инженерлари бир қанча вақтдан кейин Бхила металлургия заводини ўзлари бошқара олади, деб таъкидлайди газета.

«Свадхина» газетаси ўзининг бош мақоласида шунини кўрсатиб ўтадики, биринчи марта печининг ишга туширилганлиғи Ҳиндистоннинг иқтисодий саннат тевроқисий базасида иқтисодий мустақиллигини қўлга киритишда олға томон қўйилган катта қадимидир. «Хитавда» газетаси Бхила заводи барпо этилаётганлиғи тўғри планлаштириш ҳамда қурилишини тез суръатлари туфайли нималарга эриша олишининг яққол намойиши эканлигини кўрсатиб ўтади.

Агарда мамлакатда металл ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги программамиз, деб таъкидлайди газета, «Бхила суръатлари билан» бажариладиган бўлса, у вақтда ўз келажимиз учун хавотирланмишга сабаб қолмайди.

«Дел таймс» газетаси шунини уқтириб берадики, Бхилада қуриладиган металлургия заводи ҳар иккала дўстона мамлакат ўртасида олиб бориладиган халқаро иқтисодий ҳам-корликнинг символидир.

ЖАЗОИРДА ЖАНГЛАР ҚОҲИРА, 16 октябрь (ТАСС). Жа-зoir миллий озодлик армиясининг олий қўмондонлиғи Жазоирда 11 ва 12 октябрдаги уруш ҳаракатлари тўғрисида ахборот ўқоло қилди.

Жазoir бўлиналари, дейлади ахборотда, ўша кунларда француз мустамалак қўшинларига қарши уч марта ҳужум операцияллари ўтказганлар. Француз қўшинлари солдат ва офицерлардан 80 киши ўлдирилган ва 71 киши зардор қилинган. Лутиманин 9 та ҳарбий автомашинаси яқсон қилинган.

Француз солдатларидан 7 киши қурб-қасоҳаси билан бирга Жазоир миллий озодлик армияси томонига ўтган.

ПARIЖ, 16 октябрь. (ТАСС). Франциядаги фашист элементлар расий маъмулар томонидан йўқ бўлиб берилаётганлиғига фойдаланиб, ўзларига ёқмаган сиесий ар-бобларни ошқора террор қилиш йўлида тушиб олмақдалар. Шу кечада улар Парижда қўлга қўрилган сиесий арбоб сенатор ва қаршилик кўрсатиш демократик ва социалистик иттифоқ партиясининг раҳбари Франсуа Миттеранга сунқас қилдилар. Фашист қалла кесарлари Миттеран автомашинасига қаратав автوماتдан кўп ўқ узиб, гойиб бўлдилар.



Шундайлар ҳам бўлади...



— Уғлим, қаторгола олиб бориб қўйсанг... — Отажон меннинг маршрутним бозорга, бозорга борсангиз марҳамат.

ФЕЛЬЕТОН

Доктор. Бу ибора юксак маданият, инсоннинг дардига шифо бахш этувчи, онадек меҳрибон ва камтар қалб эгасини эслатади. Доктор энг яхши хислатлар эгасидир. У беморни кўрганда унинг кўнглини кўтаради, дардига малҳам беради.

Кўшнаштарлик доктор

Шундан сўнг десангиз Азизхўжаевнинг тили бурро бўла бошлади. Ларионовга кун бермай, тинмай ҳақорат қила бошлади, бу ҳам етмагандек уни ишдан бўшатиб ҳам юборди. Ларионова ўзининг гуноҳсиз эканини исбот қилди. Қайта текшириш уни растратчи эмаслигини кўрсатди.



Икки раҳбар арази

Улуғ рус йувчиси Н. В. Гоголь қиссаларининг бирида Иван Иванович билан Иван Никифорович бир роз туфайли ўн йил жанжаллашганликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Аммо главгалантерея бошқарувчиси Н. Нормухамедов билан Тошкент ушбу элек фабрикасининг директори Х. Обидовалар нима сабабдан жанжаллашганликларини ҳеч ким билмас керак. Аслида воқеа бундай бўлган эди.

Тошкент тўқимачилик институти технология факультетининг тикувчилик бўлими енгил санаят корхоналари ва модалар ательелари учун малакали инженер-техноруқлар тайёрлаб чиқаради. Бу бўлимда студентларнинг касбин мукамал эгаллашлари учун зарур шароитлар яратилган.

9 миллионга яқин тамошабин кино кўрди

Аҳолига кино хизмати кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланаётган. Тошкент шаҳар кино тармоқлари пойтахт тамошабинларига намунали кино хизмати кўрсатишда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Шу йилнинг 9 ой ичида пойтахт кинотеатрлари экранларида 139 та янги бадиий фильм намойиш қилинди.

Икки раҳбар арази

Главлантереяга қарашли катта бир оғир уша-элик фабрикаси территориясига жойланган эди. Ҳалиги гандан сўнг Обидова тўғрисида текшириб олиди-да, келатган товарларни ўз территориясига, яъни главгалантерея оғирига киритмай қўйди.

ЭЪЛОН

Оржоникидзе район, Киров номида колхозининг 3 минг сўмлик музика асбобларини поймаб ётиш учун қоровул керак. Қоровулнинг қиладики ишлари унчалик оғир эмас.

Студентлар—станция навбатчиси, диспетчер ва оператор

Тошкент темир йўли транспорт инженерлари институти темир йўлдан фойдаланиш факультетининг V курсида таълим олаётган студентлар шу кунларда Ватанимизнинг Уфа, Урал, Новосибирск, Самарқанд, Сталинбод ва бошқа шаҳарларидаги катта темир йўл станцияларида ишлаб чиқариш практикасини ўтказмоқдалар.

Пенсия пуллари тўлаш бир йилда 46 миллион сўмга кўпайди

Мамлакатимизда давлат пенсиялари тўғрисида янги Қонуннинг жорий қилиниши узоқ йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда қариб қолган кексалар, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат инвалидлари учун катта қўлайликларни берди.

Телевидор Экранда

- 18 ОКТЯБРДА
12.00. Рус тилида «Маданият университети» деган эшиттириш ва болалар учун «Алибобо билан қирқ қароқчи» деган кинофильм.
19.00. Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш.
19.20. «Севимли кино артистлари» циклидан эшиттириш.
21.00. «Пойтахтимиз меҳмонлари» циклидан эшиттириш ва сўнги ахборот.
19 ОКТЯБРДА
19.00. Урта ёшли мактаб ўқувчилари учун рус тилида «Музыка оламида» деган эшиттириш.
19.50. Бадиий фильм — «Латиф ўқинчи ҳақида қисса».
21.20. Сўнги ахборот.
21.40. «Етти йиллик план ҳақида ҳикоялар» циклидан эшиттириш.
22.00. Узбек тилида адабий эшиттириш.

ЭЪЛОН

Раҳим ақани авваллари ҳамма «Раҳим ака» дейишар эди. Энди бўлса унинг номини «Раҳим полвон» эди «Паттачи полвон» бўлиб қолди. Бу лақабини унга Троицкий боғорида эртдан-кечгага жавлон ураётган савдогарлар, чайдовчилар қўйган эмас, албатта. Чунки у, чайдовчилар билан алоқ-чалок. Улар Раҳим ака узатган 3 сўмлик паттани 5 сўмга сотиб оладилар, паттачини зифат қиладилар ва ҳатто унинг чўнтақларига «чой-чақалар» ҳам ташлаб туришар эмиш. Хуллас, бу лақабини унга чайдовчилар қўйган эмас.

ПАТТАЧИ „ПОВЛОН“

Раҳим ақани авваллари ҳамма «Раҳим ака» дейишар эди. Энди бўлса унинг номини «Раҳим полвон» эди «Паттачи полвон» бўлиб қолди. Бу лақабини унга Троицкий боғорида эртдан-кечгага жавлон ураётган савдогарлар, чайдовчилар қўйган эмас, албатта. Чунки у, чайдовчилар билан алоқ-чалок. Улар Раҳим ака узатган 3 сўмлик паттани 5 сўмга сотиб оладилар, паттачини зифат қиладилар ва ҳатто унинг чўнтақларига «чой-чақалар» ҳам ташлаб туришар эмиш. Хуллас, бу лақабини унга чайдовчилар қўйган эмас.

БЎЛМАСА

Ким? — полвон. Довдуг олди қори қўрқинди отим Элни тоғлаш ҳимматиндан бўлди тасбиҳ тоатим... Ҳеч касофат касб киниға бунчалик бўлмас тоатим Тулки янгилаш шум фирибгар сур бўлган уфғитим Қайда эрди бу савлатни арқони чайдов бўлмасам. Тер чиқармасдин текки еб, ҳуш ўтиблар ой-йиллим. Бир хунар бошин тутини йўл, ёни олмаблар иллим. Айшу ишратини тўрдики ҳосили жону-лилим. Урғиди, ҳасратда талқо тапта келмайди тилим. Минг тилим бўлган юрқлар қони чайдов бўлмасам. Тольб ЙЎЛДОШ

ҚУРИЛИШ БРИГАДАСИ ЯХШИ ИШЛАЙТИР

Қорасув районидagi Свердлов номида колхознинг прораб М. Муслимов бошчилиги қилаётган қурилиш бригадаси ишидаи колхоз аъзолари мамнуи бўлмоқдалар. Бригада аъзолари колхозда қурилиш ишларини жадал сурғатади бажариб, объектларни тез ва сифатли қилиб қурмоқдалар.

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА газетасида

Биринчи бетда Н. С. Хрушчевнинг Рязань областининг хотин-қиз колхозлари ва совхоз ишчилари дегудисида билан учрашганлиги тўғрисида хабар ва область колхоз ҳамда совхозларида пахта йигини-теримининг боришига бағишланган бир қанча хабарлар бошланган.

Ичкилик оқибасти

Абдурахмон Йўлдошев ўртоғи Озод Юнусов билан «Красный часовщик» артелининг бузуқ мотоциклда 53-разведбатда бир ошанасиникига боради. У ераа ичкилик қилдилар. Ошанасининг эчки-розиғига қулдоқ-солмай, улар кечаси соат 2-3 кунда Тошкентга йўлга чиқадилар.

РЕДАКТОР: З. ЕСЕНБОВ.